



# Ishonch

Моҳият

**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!**

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**«Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаятган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир»**

Ислом КАРИМОВ

## Баркамол авлод — мамлакат келажиги



### Бухорода «Талабалар фестивали»

Кўхна ва ҳамиша навқирон Бухорода 19-23 ноябр кунлари ўтказилган «Талабалар фестивали» чинакам байрамга айланди.

Анжуман «Камолот» ЕИХ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестивалнинг айнан «Бухоро маданий маркази» мажмуида ўтказилгани беҳиз эмас. Юртбошимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 30 август кунини Бухоро шаҳрида бунёд этилган «Кўхна ва боқий Бухоро» монументининг очилиш маросимида иштирок этиб, буюк келажигимиз эгаларига юксак ишонч билдирган эди.

(Давоми 4-бетда)

### Тадбир

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

## Концепция: Миллий журналистика масаласи

Йиғилиш Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябр кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси муҳокамаси ва унда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланди. Унда депутатлар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш, матбуот ва ахборот агентликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Электрон ОАВНИ Миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВНИ қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди, марказий босма нашрлар раҳбар ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Концепция доирасида илгари сурилган йўналишларидан бири — ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари мазмун-моҳияти атрофича муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар ушбу Концепция мустақиллик йилларида барча жабҳаларда қўлга киритилган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлигини эътироф этишди. Юртбошимиз маърузаси мамлакатимизнинг бир неча ўн йилликларга мўлжалланган тараққиёт тамойилларини белгилаб бергани билан ўта қимматли эканлиги таъкидланиб, концепциянинг ҳар бир бандини чуқур, батафсил ва атрофича ўрганиб чиққан ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган амалий режа ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракция аъзолари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини баён этишди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

# Ислохотлар моҳияти

**Бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислохотлар замирида ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт ва турмуш шароитини яратиш мақсади мўжассам. Айниқса, аҳолининг кўпчилик қисmini, яъни 64 фоизини ташкил этаётган ёш авлоднинг камол топиши учун зарур имконият ҳамда шароит яратиш жамият тараққиёти билан боғлиқ вазифа сифатида давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келаятир. Президентимизнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам бу масалага нечоғли улкан эътибор қаратилганини кўрсатади.**

Бу борадаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Изчилликнинг мантқиқий давоми сифатида 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Мақсад: ёшларни камол топтириш йўлидаги эзгу ишларни қатъият билан давом эттириш эди.

Дастлабки давридаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик ва Оила кодекслари қабул қилинди. Шу тарихка, вояга етмаганлар ва ёшларни тарбиялаш, улар манфаатини ҳимоя қилишнинг замонага мос демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Давлатимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисида»ги конвенциялар ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилгани жараёнинг кенг қўлам касб этишини таъминлади.

«Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисида»ги конвенциялар ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилгани жараёнинг кенг қўлам касб этишини таъминлади.

### Таълим тизими ва маънавият

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий давлат дастурининг таъбиқ этилаётгани ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, иш билан таъминлаш, қобилиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу дастурлар доирасида янги таълим масканлари бунёд этилиб, замонавий меҳнат, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Компьютер синфлари ва лингафон хоналари, спорт инфратузилмаси ташкил этилди.

Дарвоқе, юртимизда бетақорор санъат қошоналарининг қад ростлаши, болалар мусиқа санъат мактабларининг замонавий қиёфага

кираётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган гам-хўрлик натижасидир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти ҳамда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Келажак овози» ва «Янги авлод» республика танловларининг юқори савияда ўтказилаётгани ҳам ҳар бир боланинг ўзига хос қобилиятини рўёбга чиқаришда, билим олишга интилишни кучайтиришда кўмак бўлмоқда. Бундан ташқари, Олий ўқув юрталари бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилди. Академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиада ва танловларни ўтказиш, халқаро миқёсдаги олимпиада, мусобақаларда голибликни қўлга киритган иштирокчиларни моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган бир қатор янги таълим муассасаларини барпо этиш, реконструкция қилиш изчиллик билан олиб борилмоқда; янгиланган давлат таълим стандартларига ва махсус дастурларга мувофиқ умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари учун турли номда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилаётган. 2010-2011 йиллар мобайнида ҳар бир умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида замонавий компьютер синфи жиҳозлани-

ши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларни 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув филмлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва ютуқлари бўйича электрон манбалар билан таъминлаш каби тадбирлар жадал амалга оширилмоқда. Муҳими, болаларни камол инсон этиб тарбиялашга маъсул ўқитувчи ва мураббийларга эътибор янада оширилди.

Шунингдек, барча соҳада ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, Интернет тармоғини кенгайтириб бориш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш инфратузилмасини яратиш, қишлоқ жойларда маълумотларни узатишнинг симсиз тармоғини кенгайтириш ҳам йиллар жумласидан.

Дастурда касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юрталарини битираётган ёшларни замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган эди. 22 октябрда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида қайд этилганидек, меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Натижада, жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Бунинг замирида ёшларни иш билан таъминлашда эзгу мақсаднинг амалий ифодасини кўриш мумкин.

(Давоми 2-3-бетларда)

### Муносабат

# Маслаҳатли тўй тарқамас

Сув — бебаҳо неъмат. Сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тўхтайд.

Маълумки, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган.

Дарёлар оқими асосан

Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Обиҳайт захирасининг асосий қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғоришда фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларини, дарёлар дельталарида ва Орол денгизини ҳамда мақбул ҳаётини шарт-шароит яратиш мақсадида бу ерларга сувнинг ўтишини таъминлаш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади.

Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш муаммоси Амударё ва Сирдарёда гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларнинг юзасга келиши туфайли янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сув захиралари билан боғлиқ муаммолар кенг қўламли ва кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни талаб этиди.

Ўтган ҳафтада Тошкентда бўлиб ўтган «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» халқаро конференцияси айнан шу мавзуга бағишланди.

«Дунё янги минг йиллик бўсағасида ер юзининг турли ҳудудларида инсон ҳаёти ва фаолиятига, ҳайвонот ва наботот оламига ҳавф солаётган факултетада табиий ўзгаришлар билан боғлиқ мисли қўрилган муаммо ҳамда таҳдидларга дуч келди.

Афсуски, бундай таҳдидлар Ўрта Осиёда ҳам кескин тус олмақда. Бу ерда ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан оқибатини ўйламай фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли санъат объектларини қуриш ишлари мин-

тақамизни экологик фалокат ёқасига олиб келди» дейилади Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўлаган табригида.

Дарҳақиқат, бугунга келиб минтақадаги айрим давлатларнинг факатгина ўз манфаатини қўлаб иш тутаятгани қўшни давлатларни хавотирга солиб қўйяпти. Жумладан, Тожикистон ҳукуматининг трансчегаравий дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган республикаларнинг фирқини инобатга олмай, Роғун ГЭСини қуриб битказиш ҳақидаги қарори кўпчиликни ташвишга солимоқда.

Маъзур иншоот қурилиши масаласида Ўзбекистоннинг ўз қарашлари мавжуд. Мамлакатимиз Бош вазир Ш.Мирзиёевнинг Тожикистон Бош вазир О.Қўловога йўлаган мактубида Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси рўй-рост баён этилган. Қолаверса, биз тут-

ган позиция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа иттифоқи, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда Россия Федерацияси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг ушбу масала юзасидан принципал позицияси шундан иборатки, Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришдан аввал лойиҳанинг ўзини батафсил мустақил экспертизадан ўтказиш зарур. Чунки ушбу лойиҳа бундан қарийб 40 йил олдин — эскирган лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ечимлар асосида ишлаб чиқилган», — дейилади мактубда.

Дарҳақиқат, ушбу лойиҳанинг минтақага етказиши мумкин бўлган зарари, Амударёда сув оқими ва тартибининг ўзгаришига кўрсатилган таъсири, кескин континентал чўл иклими шароитида яшаётган маъзур минтақадаги миллионлаб одамларнинг тақдирини, айниқса, мунтазам тақорорланиб турадиган сув танқислиги даврида инчимлик ва суғориш сувларининг миқдорига бевосита боғлиқ эканини назарда тутмай туриб уни амалга оширилиши ҳеч бир қўшоққа симамайди.

— Роғун ГЭСи бир мамлакатнинг бошқа давлатга зарар етказган ҳолда

лоийҳани амалга оширишга уринишига яққол мисол бўлади. Бундан 30-40 йил аввал, дабдабавозилик ҳукм сурган советлар даврида ишлаб чиқилган, экологик ва техноген хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бермайдиган маъзур лойиҳани амалга ошириш мумкин эмас, — деди Австриянинг «Бизнес, маданият, спорт» журнали муҳаррири Манфред Тихи.

Конференцияда таъкидланганидек, бугун амалга оширилиши режалаштирилган гидроэнергетика лойиҳалари қарийб эллик йил аввал ишлаб чиқилган бўлиб, аллақачон эскирган. Уларда қурилиш кўзда тутилаётган бу ҳудудларнинг юқори сейсмик хавфи (ушбу кўрсаткич Рихтер шкаласи бўйича 9 баллгача), бу ерда оз берадиган кўчки ва сел келиш жараёни ҳисобга олинмаган. Холбуки, сўнгги 110 йил мобайнида бу ерда 20 дан ортиқ кўчки эпизодлари қайд этилган. Жаҳон амалиётида ҳали бу каби ҳудудларда улкан гидроиншоотлар қурилиши кузатилмаган. Масалан, Тожикистондаги Роғун ГЭСида баландлиги 335 метрлик тўғон қуриш кўзда тутилмоқда. Холбуки, дунёда ҳали бундай тўғон йўқ. Мабодо тўғон ўпирлигудек бўлса, бошланчч нуктада сув тўлқун-

нинг баландлиги 250 метрдан ошадди, Роғун ГЭСидан 1,5 минг километр узоқда жойлашган Қорақалпоғистонда эса 6-7 метрга етади. Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудидagi 1,5 миллион гектар майдон, 700 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолади. Шунинг унутмаслик керакики, ушбу ҳудудларда қарийб 5 миллион аҳоли истиқомат қилади.

Конференция катнашчиларидан бир гуруҳи Орол инқирози зонасидаги Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва Мўйноқ туманида бўлиб, Орол денгизи қуришининг фожияли оқибатларини ўз қўзлари билан кўриб қайтишди.

— Оролбўйига, хусусан, Мўйноқ туманига бориб, у ердаги вазият билан бевосита танишидик, — дейди Лондондаги Вестминстер университети профессор Раджа ДСУЗА хоним. — Бир пайтлар дунёдаги гўзал денгизлардан ҳисобланган Орол соҳилларининг «кемалар қабристи»га айлангани жуда ачинарли ҳолдир. Дарҳақиқат, бугун Орол муаммоси олам дардига айланган. Бундай экологик офатларнинг олдини олиш, катта ҳудудни эгаллаган ҳав-

яшаши, меҳнат қилиши учун ҳар биримиз қайғуришимиз, амалий ҳаракат қилишимиз лозим. Табиатдан фойдаланиш — уни барқод қилиш эмас, балки у билан уйғунликда яшаш демакдир.

Конференция якунида бўйича қабул қилинган Тошкент экология декларацияси трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини янада оқилна ҳал этиш, минтақанинг турли мамлакатларини иқтимоий-иқтисодий ва экологик уйғун ривожланишини таъминлаш имконини беришига умид беради.

Кўрапимизки, факат оддий иқтисодий масала бўлиб кўринган сув тақсироти муаммоси муҳим географик-сиёсий аҳамиятга эга. Айни шу боис уни ҳозирча манфаатлари бир-бирига тескари бўлган минтақа давлатларининг сайй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмапти. Ўзбек халқида «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган ибора бор. Инсоният тараққиётининг бугунги даражасига келган, дипломатия ривожланган ҳозирги замонада ҳар қандай муаммони оқилна ҳал этиш мумкин. Ушбу муаммога ҳам адолатли ечим топилишига ишончмиз қилим.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ, журналист



# Барқамол авлод

## Порлоқ истиқбол йўлида

**Мамлакатимизда воёга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. 2010 йил 18 майдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам айнан шу масалага қаратилгандир.**

Маълумки, давлатимиз томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича қўрилатган чоралар воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлашга, шаклланиб келаётган ёш авлод учун ота-оналар масъуллигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Баъзан назоратсиз қолган ўсмирлар тунни турли кўнгилоҳар жойларда, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда ўтказишга тўғри кўрилади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантанаси ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда халқ кўшиқлари, лавалари билан тўланганлар дилини хушнуд этишди. Азиза Тожиёва, Маржона Аҳмедова, Абдуллоҳжон Тожиёв, Дилбар Рустамова каби истеъоддорлар ижросидаги кўшиқ ва рақслар томошабинни мафтун этди.

ни босувчи шахс кузатувисиз мазкур жойларда бўлишларига йўл қўйганликлари учун тегишли жавобгарликнинг йўқлиги эса қонунчилигимиздаги жиддий эътибор қаратиш шарт бўлган жиҳатлардан эди. Зеро, мазкур ҳолатнинг давом этиши ёшлар ҳуқуқининг бузилишига, бу эса миллат феноменига салбий таъсир этишига сабаб бўларди.

Шуни эътиборга олиб, қонунни қабул қилиш зарурияти, энг аввало, воёга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан изоҳланади. Миллий қонунчилигимиздаги ушбу бўлиқни тўлдирив ва воёга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш муҳим ижти-

мой-ҳуқуқий аҳамиятга эга долзарб масала эканлигини назарда тутиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс воёга етмаган шахсларга айриқича қўшимча қўриқимчиликларни қўриқимчиликларнинг олдини олиш мақсадида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини қўриқимчилик учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгилоҳар (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан воёга етмаган шахсларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз қўриқимчилик мақсадида бўлишига йўл қўйгани учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 1887-модда билан тўлдирилди.

Ушбу қонун мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом, комил инсон бўлиб улғайишига ҳамда воёга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш йўлида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

**Иқболлой КҮЧКИНОВА,**  
ҳуқуқшунос

## «Қизғалдоқ» таровати

**Қамаши туманидаги «Зилола» боғча-мактаб мажмуаси таърифи бутун республикага тарқалган. Бу ерда болаларнинг билим олиши ва иқтидорини намойиш этишлари учун ҳамма шароит яратилган.**

— Мажмуамизда 140 нафар кичкинтой тарбияланади, — дейди болалар боғчаси раҳбари Раъно Маматова. — 80 нафар 1-4-синф ўқувчилари таълим олади. Уларга 20 нафар мураббий сабоқ бермоқда. Иккита синфда машғулотлар рус тилида олиб борилади. Миллий кураш, шашка, каратэ, бокс, бадий гимнастика йўналишларини ўзида жамлаган спорт, рақс, тасвирий санъат, кўл меҳнати, рус ва инглиз тили тўғрисида фаолият кўрсатмоқда.

ташкил этиш осон бўлгани йўқ. Жамоа учун аъзоларни танлаш, кийим тикиш, кичкинтойлар билан ишлаш оладиган мураббийларни топиш, халқ урф-одатларига мос тушадиган саҳналар яратиш учун тинимсиз изланишга тўғри келди.

4-5 ёшли болани саҳнага тайёрлаш, кўшиқ ва рақс ижро этиш, концертлар кўрсатишга ўргатиш осон иш эмас. Мумтоз кўшиқлари билан танилган хонанда, мусика раҳбари Мустафо Турниёзов, жажиларга халқ рақсларини ўргатган Мухлиса Аҳмедова, кўшиқ ва лаваларга куй басталаган Рашид Чоршанбиев ва Акбар Дирёвнинг хизмати катта. Уч ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни жамлаган фольклор-этнографик ансамбл шаклланиб, йилдан-йилга камол топиб бормоқда. Болаларча содалликка йўғрилган жозибали рақслар, халқ кўшиқларининг доврўғи мамлакат сарҳадидан охиб, дунёга танилмоқда.

2002 йилда жамоа АҚШнинг Нью-Жерси штатида ўтказилган Ўзбекистон санъати кунларида иштирок этиш учун халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси йўналиши билан бирлаштирилган ансамбл эл хизматида. Боғча-мактаб директори Раъно Маматованинг изланувчанлиги, фидойилиги туфайли ўнлаб истеъод эътиборга тушмоқда. Аслида, боғчада ансамбл

стивалида, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида фаол қатнашган бўлса, фольклор-этнографик ансамбллар жамоаларининг минтақавий кўрик-танловда юқори савиядаги ижрочилик маҳорати ва бадий жиҳатдан ўз ҳудудига хос бўлган дастурлар ижроси учун биринчи даражали дипломни кўлга киритди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантанаси ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда халқ кўшиқлари, лавалари билан тўланганлар дилини хушнуд этишди. Азиза Тожиёва, Маржона Аҳмедова, Абдуллоҳжон Тожиёв, Дилбар Рустамова каби истеъоддорлар ижросидаги кўшиқ ва рақслар томошабинни мафтун этди.

Жамоада иқтидорли тарбиячиларни атрофига уюштирган «Эгачим» фольклор ансамбли ҳам тузилган. Тарбиячилардан Гулрух Эргашева «Ил тарбиячиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб «Топагон тарбиячи» йўналиши бўйича голиб деб топилди. Жамоа вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўтказилган «Соғломжон — полвонжон» танловидан ҳам фахри ўринларни эгаллаб келмоқда.

**Иззат ҲИҚМАТОВ**

# Саҳрони бўстон этиб...

**Ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасаларида 97 нафар академик, 261 нафар профессор, 448 нафар фан доктори, 752 нафар катта илмий ходим, 1041 нафар фан номзоди ва 387 нафар аспирант фаолият олиб бормоқда.**

Улар орасида ЎзФА «Ботаника» ИИЧМ кичик илмий ходими, биология фанлари номзоди Санжар Шеримбетов ҳам бор. 2003 йили Улугбек номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган Санжар бу ердаги фаолиятини 2007 йилдан бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Украинанинг Ивано-Франковск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда «The flora and plants of Saribas lake's coast of the dried Aral Sea's bottom» мавзусидаги маърузаси билан катнашди.

«Жанубий-Ғарбий Оролқум флораси ва ўсимликлар қоплами» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Санжар республика микёсида ўтадиган илмий анжуманларда ҳам мунтазам катнашди. 2008 йил сентябр ойида Самарқанд шаҳрида ўтган «Та-

бият фанларнинг долзарб муаммолари» номи республика ёш олимлари конференциясида фахри 3-ўринни эгаллади. ЭКОСАН халқаро ташкилоти таъсис этган республика танловидан ҳам голиб бўлди.

— Бугунги кунда табиатга антропоген омилларнинг салбий таъсири туфайли кўп жойларда биоэкологик фожиалар юз бермоқда, — дейди у. — Улардан бири Орол денгизининг қуришидир. Денгиз сувининг чекинishi натижасида улкан қум-шўрроқли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топди. Бу чўл Оролқум деб атала бошланди. У дунёдаги энг ёш чўл ҳисобланади. Шимолӣ қисми Қозоғистон, жанубий қисми эса Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Сунгги маълумотларга кўра, майдони 5 млн. гектар, шундан 3 млн. гектарга яқини мамлакатимизга тегишли.

Дарҳақиқат, бу ҳудудда вужудга келаётган янги табиий комплекслар структураси, ривожланиш йўналиши, ландшафтлар ўзгариши Оролнинг қуригани қисмини синчиклаб ўрганишни тақозо этди. Шу боис бўш ерларга ўсимликларнинг кириб келиш динамикаси (миграцияси)ни ўрганиш зарурати туғилмоқда.

— Тадқиқотлар натижасида илк бор Жанубий-Ғарбий Оролқум ҳудудида 135 тур ўсимлик ўсиши аниқланди, — деди Санжарбек. — Уларнинг ботаника номенклатураси қоидаларига оид замонвий тизими ишлаб чиқилди. Шундан ҳудуд учун 3 формация ва 6 ассоциация (ўсимликлар гуруҳи) биринчи марта келтирилди. Турларнинг сувдан бўшаган ерларга кириб келиш динамикаси ишлаб чиқилди.

Ёш олимнинг айтишича, аниқланган турлардан кўчма кумлар ва шўрроқли фито-мелиорация йўли билан мустаҳкамлашда, ем-ҳашаклик хусусиятига эга турлардан чорвачиликда фойдаланиш мумкин. Экспедициялар мобайнида йилган гербарий намуналари эса «Ботаника» Марказининг фондидан бойитишда муҳим аҳамиятга эгадир. Санжарбек ҳозир «Жанубий Оролқум флораси» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида изланмоқда.

Тадқиқот натижасида Орол флораси туфайли чўлга айланган ерларга ҳаёт қайтса, ажабмас. Зеро, ёш олимнинг шижоату мақсади ҳам шунга қаратилган.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ishonch» муҳбири

### (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳузурида Инновацион технологиялар соҳасида илмий ва амалий тадқиқотларни рағбатлантириш, Олий таълим муассасаларида Ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаларини шакллантириш, юқори маълумли илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор кучли.

Дастурга мувофиқ ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, «оммавий маданият» нико-бадидаги таҳдидлардан асраш бўйича комплекс чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек халқ эртақлари, дostonлари сюжетлари асосида болалар учун қатор мультипликацион ва бадий фильм, халқимизнинг бой тарихи, миллий анъаналари, ватанпарварлик ҳақида миллий сериал ва ҳужжатли фильм, миллий компютер ўйинлари тайёрланди ва бу жараён давом этмоқда.

Умуман, 2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиётининг мумтоз асарларини нашр этиш, миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш тадбирлари ҳам шулар жумласидандир.

### Ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ ёш авлод манфаатини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди. Воёга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир қабул қилинган 100 дан ортиқ қонун ҳужжати халқаро стандартларга мос келади. Шунингдек, мамлакатимиз ёшларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Конституцияси асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ёш фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини, шахсоний кадр-қимматини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар-жойда ҳар томонлама ҳимоя қилишни кўзда тутади. Шунингдек, Оила кодекси ҳам мамлакатимизда воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Оила кодексининг 65-моддасига кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ва улар билан бирга яшаш, инсоний кадр-қим-

мати ҳурмат қилиниши каби ҳуқуқларга эга.

Таъкидлаш жоиз, бунда 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун алоҳида ўрин тутди. Унда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ифодасини топган. Айни пайтда, мазкур қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари ҳам назарда тутилган бўлиб, бу ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, етим, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, кам таъминланган оилалардаги болалар каби ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланишига хизмат қилади.

Воёга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда сунгги пайтларда қабул қилинган қонунлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, 2008 йил 16 апрелдаги «Воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, 2009 йил 21 декабрдаги «Воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунда болалар ҳуқуқларига белисанд муносабат бўлганларга нисбатан жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Бу борада «Барқамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни алоҳида қайд этиш жоиз. Унда болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик ташкилотларининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридаги ҳуқуқий асослар билан бир қаторда уларни амалга оширилишини таъминловчи инсти-

туционал тизимларни яратиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, Ички ишлар вазирлигининг муассасалари, шунингдек, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари («Со-

да белгиланган. Бунда оилани жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида дахлсизлигини таъминлаш, болаларга таълим ва тарбия бериш, оналар ва ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур моддий имтиёзлар яратиш ва оилани мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар назарда тутилди. Мамлакатимизнинг бошқомуси ва унинг асосида қабул қилинган Оила кодекси ва бошқа ҳужжатлар замирида ҳам инсон манфаатлари, унинг ижтимоий ҳимояси нуктаи назаридан, ёш оилалар ва ёш авлоднинг маънавий-моддий

# Ислохотлар

ғлом авлод учун» фонди, Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази ва бошқалар) тизимнинг ўзагини ташкил этмоқда.


### Ёш оила

Ижтимоий ислохотлар замирида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин эгаллайди. Оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да ҳам давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифати-

барқамоллиги туради. Фарзанд оилада камол топади, оиласи орқали дунёни танийди. Шу боис оиланинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши жамият ривожига бевоқиф таъсир кўрсатади.

Ёш оила, оналик ва болалик муҳофазаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда, қуйидаги маълумотларга эътибор қаратсак. Мамлакатимизда ҳар йили 230-235 минг янги оила вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади. Ортимиздаги оилаларнинг 35 фоиздан ортигини ёш оилалар ташкил этди. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 фозизлик кредитлар асосида тижорат банклари орқали 10 млрд. сўм маблағ ажратилган эди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 22 октябрдаги мажлисида таъкидланганидек, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида намунавий лойиҳалар бўйича 3597 та уй ва 85 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ушбу соҳага тегишли Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва бошқа тегишли ҳужжатлар асоси-



Мамлакат келажакдаги

Довонлар ёшлиқдан эгалланади

Юртимизда ёшларга яратилаётган шароит, берилаётган имкониятлар туфайли янги-янги истеъодлар кашф этилмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Муниса Сомоқуллова ҳам ана шундай интилувчан, ташаббускор ёшлардан.



— Аксарият оилаларда қиз боланинг спорт билан шуғулланишига яхши муносабатда бўлишмайди. Айниқса, каратэ билан...

чемпионатда иштирок этиб, ярим финалга чиққанман. Аслида бундай чемпионатнинг иштирокчиси бўлишнинг ўзи бир омад эди. Айнан мана шу йилдан кейин жиддий натижаларга эриша бошладим. Етти карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Икки карра Осиё биринчилигини кўлга киритдим.

— Бу йил Зулфия мукофоти билан тақдирландингиз. Давлат мукофотининг ўзига яраша масъулияти бор...

— Албатта, мукофотни олишдан кўра, унга эришгандан кейинги масъулият кўпроқ бўлади. Буни, айниқса, ҳозир ич-ичимдан ҳис этайман.

— Келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсак...

— Ҳозир ЎзМУнинг журналистика факультетида ўқийман. Шу соҳада ўз ўрнини топишга ҳаркат қилмоқдаман.

Феруза БОБОХОНОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Чортоқ туманининг Ойқирон қишлоғида иш бошлаган «Чортоқ Мунира ширинликлари» масъулияти чекланган жамияти яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, соҳада ўз ўрнини топган корхоналардан.

Имконият

— 2001 йилдан хусусий тадбиркор сифатида қандолатчилик билан шуғуллана бошладим, — дейди корхона раҳбари Ҳамидулло Абдуллаев. — Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати мен каби минглаб инсонларга имкониятлар эшигини очди. Бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган имтиёزلардан фойдаланиб, фаолиятимни кенгайтиришга қарор қилдим ва «Чортоқ Мунира ширинликлари» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим.

Янги корхона йилига 190 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга.

Юртимизда хайрли иш бошини тугтанларга нафақат имконият эшиклари, балки жаҳон дарвозалари очик эканлигига Ҳамидулло ака ўз фаолияти мисолида амин бўлди. Айни кунларда корхона учун ажратилган янги ерда катта цех биноси қурилмоқда.


— Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг маҳаллий бўлимидан кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб қўйдик, — дейди корхона раҳбари. — Ниятимиз цехни қуриб битказгач, янги технологик линиялар келтириб, маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш.

Бу режалар амалга ошиши билан корхонада яна йигирма бешта иш ўрни яратилади. Ҳозирда эса бу ерда ўн икки нафар ёш иш билан таъминланган. Уларнинг 4 нафари касаначилик асосида ишламоқда. Ниятлар эзгу — халқимиз дастурхонига бир-бирдан тотли ширинликлар улашиш.

Д. УСМОНОВА

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига

«Санъатнинг уч гулбарги бор: мусиқа, ранг-тасвир, шеърят. Санъатнинг уч мижози мавжуд: мусиқа, ранг-тасвир, шеърят. Санъатнинг уч мангулиги ҳам мусиқа, ранг-тасвир, шеърят. Санъаткор буларнинг ҳеч бирида «соф» ва «дахлсиз» қолломайди.



Санъат Илусиёв

Табиатнинг минг биринчи ранги

Шоир, мусиқачи, рассом деган иборалар балки ниҳоятда нисбийдир, лекин алдамчи эмас. Дунёда мутлоқ шоир, рассом ёки мусиқачи йўқ.

Дунёга рассом сифатида донг таратган Микеланжело, Леонардо да Винчи шеърлари уларнинг назмида ҳам ўз услубига эга бўлганини кўрсатади. Навоий, Феруз басталаган куйлар бизнинг фахримиз... Лермонтов чизган суратлар унинг картинадаги шеърларидир. Адабий танқидчи Баҳодир Содиқовнинг бу сўзларига ишонмасангиз, бугунги қаҳрамонларимиз ижодини қузатинг. Лафоси кучли; гоҳида шиддатли, гоҳида маҳзун оҳанги юракка кўчадиган композицияларда санъатнинг уч олами, уч иклими бирлашгандек.

Ранг-тасвирнинг сирли, машаққатли оламига қириб келган бу ёшлар Республика рассомлик коллежи талабалаари. Уларни том маънода муштақиллик фарзандлари дейиш мумкин. Бу истеъодлар истиклол шури билан улғайган, шундай буюк неъмат оғушида шаклланган.

«Ҳақиқий ижодкор тақдир чегараларини ёриб чиқади...» Дунёга келиши билан яхши ният-ла «Санъат» исмини олган бу йигитча ранглар оламида туғилиб, ранглар куйини ҳис қилиб улғайгандек. У билан суҳбатлашсангиз, истеъоднинг сеҳрини ҳис эта болайсиз. Ижодини қузата туриб, истеъоднинг шаклланишида рағбатнинг ўрни му-

ҳимлигига ишонч ҳосил қиласиз.

— Отам рассом бўлгани учун ҳам бу соҳага қизиқишим кучли бўлган, — дейди у. — Бошқа соҳани танлаш мумкинлиги ҳақида ўйласам, ҳулосаларим барибир рассомчиликка бориб тақалаверади.

Бугунги кунда Республика рассомлик коллежининг 2-босқичида тахсил олаётган Санъатжон Илусиёв Республика тас-

таларида яшовчи тенгдошларимиз ижоди академия залларига илинган экан, томоша қилдик. Асарлар билан танишиб улгурмасимиздан, голиблар номи эълон қилина бошланди: «Илусиёв Санъат Фарҳодович, Ўзбекистон — «Тошкент қувончлари» Халқаро II Тошкент болалар расмлари Биеннаlesi тангаси билан тақдирланди». Хайратланганча мукофотни қабул қилишга чиқдим. Кейин билсам, устозимиз бизнинг ҳам ишларимизни танловга юборган экан. Бу нуфузли мукофотга устозларимнинг эътибори туфайли эришганимни фахр билан тилга оламан.

Халқаро Биеннале Санъатжоннинг асарлари намойиш этилган ягона танлов эмас. Хусусан, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Аёллар кенгаши» жамоатчилиги кенгаши,

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «ZARZEWIE» Полша маданият маркази, «Батьківщина» Украина маданият маркази ҳамда «Камолот» ЕИҲ ҳамкорлигида 2006 йили пойтахтимизда ўтказилган «Мой добрый доктор» танловига голибликни кўлга киритиб, диплом билан тақдирланди.

USAID, CAPACITY (Марказий Осиё ОИТС назорати дастури), PSH (Аҳоли халқаро хизмати) таъкилотлари томонидан «Хар кун — ОИТСга қарши кураш кун» широти остида ўтказилган акциядаги фаол иштироки учун махсус сертификат билан тақдирланди.

(Давоми 4-бетда)



Санъат Илусиёв

Бизнинг «Ўзметкомбинат» АИЧБ ёш оилаларга уй қуриб топширишни йўлга қўйган. Утган йили иккита кўп қаватли, 64 хонадонга мўлжалланган уй фойдаланишга топширилганди. Жорий йил 26 хонадонли яна бир уй битказилди.

Маҳсулдорлик омили

Табиийки, бундай имкониятлар ишчи-ходимларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, ишлаб чиқариш саломи ортиб бормоқда. Сўнгги беш йил мобайнида маҳсулдорлик 20 фоиздан ошди, янги ишлаб чиқариш цехлари қурилди. Шу даврга қадар асосан четдан келтирилган ўн беш турдаги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган ҳам ёшларга қаратилаётган эътибор ифодасидир. Бу каби хайрли ишларни келгуси йилларда ҳам давом эттириш режамизда бор.

Илҳом ҚУРБОНОВ, «Ўзметкомбинат» АИЧБ касаба уюшма кўмитаси раиси



да амалга оширилган тадбирлар, ёш оилаларга, аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оналарга берилган моддий ва маънавий ёрдам соғлом авлоднинг тарбияш учун замин яратмоқда. 1998 йилда республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилгани оилага тааллуқли бой ва сермазун миллий анъаналарни асраш, умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш ва фуқароларга бу масалада ёрдам

бошқалар) тўғрисидаги алоҳида гамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмаслиги белгилан қўйилган. Воёга етмаганларнинг муҳим меҳнат ҳуқуқларидан яна бири уларга нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганлигидир. Ундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидида ишларга жалб этиш тақиқланади. Бу «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги конвенция талабларига му-

мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устози ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига устувор йўналиш сифатида кенг ўрин берилган. Соғлом ва баркамол авлоднинг камол топтиришнинг зарур ташкилий асослари ҳам яратилиб, утган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида муҷассам этган дастур асосида кенг қўлама чора-тадбирлар хайтга жорий этилди. Она ва бола саломатлигини химоялаш мақсадида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этилди.

Эътибор қилинг-а, давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йилда қишлоқ туманлари марказий шифохоналарининг умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «Уаз» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорда тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилгани айтиб ўтилади. Энг муҳими, 2009 йил давомида 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, саломатлигини мустаҳкамлагани эътиборга лойиқ.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожини таъминламоқда.

Саломатлик ҳақида гап кетар экан, бунда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Бу борада болаларнинг имтиёзли шароитлар билан таъминланиши қонун ҳужжатларида алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунга кўра, ёшларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилишга оид давлат қарорларида улар учун спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда катнаш имконияти берилиши мустаҳкамланган.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларига тайёргарликни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам таъминламоқда. Жумладан, спортчиларимизнинг Сидней шаҳри (Австралия)да-

ги XXVII, Афина шаҳри (Греция)даги XXVIII ёшги олимпиада ўйинларидаги муваффақиятдан кўпчилик хабардор. Мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтadigan XXX ёшги олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги (05.01.2009 й) қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига хизмат қилмоқда.

Спортни ривожлантиришда мамлакатимиз Президентининг 2002 йилдаги фармони асосида ташкил этилган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлаёттир. Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (29.08.2004 й) фармонида асосан болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш таъминланди. Ёш авлоднинг камол топтиришга йўналтирилган оммавий болалар спортини кенг ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошира бориш, шунингдек, болалар спорт комплексларини 2004-2009 йилларда Мактаб таъминини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Бунда спорт комплексларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва халқаро талабга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва ускуналари билан таъминланаётгани эътиборга молик.

Иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш футболчиларнинг спорт соҳасидаги утуқлари кўпайишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан ташқари, ёшларни жисмоний тарбия ва спортнинг сув турлари билан шуғулланишга янада оммавий жалб этиш, сузиш ҳавзалари тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фойдаланиш-техник ҳолатини замонавий талабларга ҳамда хавфсизлик талабларига мувофиқлаштиришда Президентимизнинг «2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (02.06.2008 й) қарори аини мудоа бўлди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

МОҲИЯТИ

беришни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат ҳуқуқи

Мамлакатимизда меҳнат муносабатларида инсон манфаатлари химоя қилинишининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бормоқда. Хусусан, 1993 йилнинг 6 майида қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгиловчи ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Шунингдек, воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш мақсадида 2008 йил апрелда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги конвенция (Женева, 1973 йил 26 июн) ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллариини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июн) ратификация қилинди. Мамлакатимизда меҳнат қончилигида меҳнат соҳасида воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, уларга гамхўрлик кўрсатилишини назарда тутувчи қатор нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра, меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқориорқ ижтимоий химояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, воёга етмаганлар, ногиронлар ва

вофиқ келади. Унга кўра, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмирни соғлиги, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги назарда тутилган.

Бу ўринда 2010 йил 1 февралдан кучга кирган «Воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, воёга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳамда меҳнатга бIRON бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлагани учун жавобгарлик назарда тутилган.

Саломатлик ва спорт

Утган йилларга берилган номлар ва жорий йилнинг номидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат дастурларида марказий ўрнини оналик ва болалик, оила, ёш авлод ва болаларнинг соғлом турмуш тарзи, соғлигини муҳофаза қилиш каби масалалар асосий ўрнини эгаллаган.

Жумладан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошланган ишларни давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, хар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига

# Табиатнинг минг биринчи ранги

**(Давоми. Боши 3-бетда)**  
Фонд Форум, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан «Баркамол авлод йили» дастури доирасида ташкил этилган «Тошкент шаҳри ва Республика вилоятлари бадий коллеж ва лицей талабалари учун ўтказилган мастер-класс иштирокчилари (14 март 2010 йил)»нинг бадий кўргазмасида 6 та асари билан иштирок этди.

Шундай ижодкорлар бўладики, умрининг охирида ҳам услубини кашф этолмайди, — дейди Санъатжон. — Ваҳоланки, услуб — бу ўзига хослик, истеъдоднинг юксаклигини билдирувчи ягона восита. Мен ҳам ўз услубимни яратиш учун тинимсиз изланаяман. Деярли ҳар бир кўргазмани кузатиб боришга ҳаракат қиламан, устозларнинг ишларини қайта-қайта кўздан кечиришаман. Акмал Нурнинг ижодида кизиқишим катта. Чизгиларида унинг ижодидан намуна, ўрнатилган сифатда фойдаланаман. Бу, менимча, табиий жараён. Фақатгина тақлид қилишда қолиб кетиш ижодий тутқунлик, ҳалокатдир. Ҳақиқий ижодкор ўша босқичдан ўтиб, тақлид чегараларини ёриб чиқади.

Ранг-тасвир — расмчилик маҳорати. Санъатнинг бу тури қанчалик улуғлигини ҳам англаб бориш керак. Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида шундай ёзади: «...Мен расмом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Равноннинг расмини тартиб кўрсатар, кўра эдим...». Бу сўзларни келтириш орқали расмомликни улуғламоқчи эмасман, аксинча, соҳамизда фақатгина қобилият кишини юксакларга кўтаришни эслатмоқчиман. Яратган берган инъомни шакллантириш, устозлар ишончини оқлаш, бизга кўрсатилган эътиборнинг бесамар кетмаганини исботлаш зиммамиздаги қарзидир.

## Ҳаёт рангини улашиб...

Муроджон Бобохонов ҳам айнан шу коллежнинг ранг-тасвир бўлими 2-босқичида таҳсил олади. У 1994 йилнинг 27 сентяб-рида Сирдарё вилояти Боёвут туманида таваллуд топган.

8 ёшимдан расмомчиликка кучли иштиёқ туйганман, — ҳикоя қилади у. — Муштақил равишда чизган илк суратимга «Она табиат» деб ном бергандим. Биринчи устозим — дадам. Вилоятимиздаги кўпгина ёшлар у кишини устоз деб билади.

Дарҳақиқат, Муроджоннинг дадаси — Баҳодир Бобохонов Гулистон шаҳридаги нафис санъат марказига раҳбарлик қилиш баробарида, кўпчилик ёшларнинг қалбига расмомчиликка меҳр уйғотган. 1987 йилдан бери қовоқ, тери, қоғоз ва турли идишларга миниатюра ишлаш билан шуғулланган.

Турли танловларда иштирок этдим, — сўзини давом эттиради М.Бобохонов. — Ҳалабалар қатори мағлубликни-да бошдан кечирганман. Инсоннинг юксалиши, ўзлигини топиши ва куч-ғайратга тўлишида мағлублик ҳам аҳамиятга эга. Ютқазган пайтларимда ҳам ўзимдан устунларнинг ижодидан нимадир ўрганишга, кучи э қирраларимни илғаб, уларни тўлдиришга ҳаракат қиламан.

Иқтидорли расмом сифатида танилиш энг катта мақсадим. Шу орзу мени 2007 йилда Гулистон шаҳар Ҳамза номидаги 1-болалар мусика ва санъат мактабига етаклади. У ерда устозларим — Улугбек Маматқулов ҳамда Гулом Алимовдан сабоқ олдим.

Интилиш ўз самарасини кўрсатиб, ўн тўрт ёшли болакайнинг ижод маҳсули кўпчиликнинг эътирофи эътиборига сазовор бўла бошлади. Хусусан, «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг ёш хунарманд» номинацияси бўйича голиб деб топилди. 2008 йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган «Янги авлод» фестивалининг Республика босқичида ҳам

голибликни кўлга киритди. Коллежда устози Файзулла Аҳмадалиевдан расмомчилик сирларини кунт билан ўрганишда давом этаётган Муроджоннинг тасвирларида ўзига хос ҳаёт фалсафаси бор. Ҳар бир чизгиди унинг орзулари бўй кўрсатгандек бўлади.

Ижодимни янада ривожлантириш асносида юртимга фойдам тегишини хоҳлайман, — дейди у келажақ ҳақида сўзларкан. — Насиб этса, архитектор-дизайнер сифатида юртимиз чиройига чирой қўшаётган биноларнинг янгича туркуми, ўзгача услубини яратишни ният қилганман. Айни шу орзумнинг маҳсули бўлган иншоотлар миллийлигимизнинг ўзига хос ифодасига айланишини хоҳлардим.

Расмом, менинг назаримда, табиатнинг минг рангидан ўзининг минг биринчи рангини кашф эта олган, улар билан тиллаша оладиган, ҳаёт нуридан маҳрум қалбларга илғиж, ранг улашиб захматини елкасига олган шахс. Расмом сифатида ҳар бир асарим муҳлислар кўнглидан жой олишини истаётман. Шундай мумтоз асарлар борки, сизни ўйлашга мажбур қилади. Кўнглингизнинг бир четидан муқим жой эгалаб, кўз

ўнгиңгиздан кетмайди. Яхши китоб ҳақида кўпинча «ўзига хос оҳанг, куйи бор» ёки «қахрамонлар бўёқлар воситасида тасвирлангандек» каби таърифларини эшитиб қоламиз. Аслида, яхши ранг-тасвир асарининг ҳам ўзига хос куйи, шиддати, сўзи бўлади. Бунинг учун қалб кўзи очиб бўлиши керак. Бундай муҳлисларнинг кўнглини эса ҳақиқий санъат асари билан забт этиш мумкин. Шундай бахтга эришиш ҳар бир ижодкор қатори менинг ҳам орзум.

**Танқидга муносабатингиз...**  
Танқиднинг холисани қабул қилиш, бирёқламасига умуман эътибор қаратмаслик керак. Ойбек Қаршибоев деган дўстим бор. Санъат мактабиди ҳам бирга ўқиганмиз, ҳозир ҳам бир курсда сабоқ оляпмиз. Айни вақтда «Келажақ овози» танловининг Республика босқичига йўллангани кўлга киритди. Бир-биримиздан билмаганларимизни ўрганишимиз, камчиликларимизни рўйроқ айтганимиз, уларни йўқотишга биргаликда интиламиз. Курсимиздаги 14 кишининг ҳаммаси билан шундай муносабатдамиз. Танқидни тўғри қабул этишни, уни манфаатларимизга хизмат қилдиришни ўрганишимиз. Бу ижодимизнинг чархларида муҳим аҳамият касб этади.

Болалигимда бир кўзи кўру бир оёғи калта шохнинг суратини чизган уч расмом ҳақида ривоят эшитгандим. Биринчи расмом шохнинг қиёфасини айнан тасвирлайди, бироқ унда тириклик нафаси сезилмайди. Қахрамоннинг руҳини тополмагани учун расмом қатл этилади. Иккинчи расмом эса шохнинг феълу сажиясини шундай акс эттирадики, қоғоздан подшоҳи оламнинг қаҳри ёғилиб тургандек таассурот қолдиради. Бироқ расмом қахрамоннинг суратини ўхшатишни эппай олмади ва у ҳам бевақт ўлим топади. Учинчи расмом шохнинг суратини шундай вазиятда чизадики, унинг ногирон аъзолари зарурий ҳолатга хизмат қилиб, жуда ярашиб тушади. Шох калта оёғини тош устига қўйиб, кўр кўзини қисганча осмондаги ёлғонни мўлжалламоқда эди! Ривоятдан сўнг ҳар гал мени бир савол ўйлантирди: ким тўғри иш қилган? Уларнинг орасида ким ҳақиқий расмом?

Бугунги ёш расмомлар билан суҳбатимиздан сўнг амин бўлдимки, чизгилари орасига ўзлигини жойлаган, композиция руҳининг бир бўлагини калбингизга синдира оладиган, картина олдидан узоқлашгач, руҳиятингиздаги туғён шун эрга қайтиб келишга мажбур қилувчи асар ёқиб ҳақиқий расмомдир.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**  
«Ishonch» муҳбири



# Бухорода «Талабалар фестивали»

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Тадбирни вилоят ҳокими Самойиддин Хусенов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сахнада куй-қўшиқлар янгради.

19 ноябр куни эрталаб республиканинг 70 дан ортиқ олий ўқув юртидан келган бир гуруҳ олим ва талабалар тантанали равишда кўтиб олинди. Шу куни «Бухоро Гранд» меҳмонхонасида журналистлар учун матбуот конференцияси уюштирилди.

Дастурга кўра, 500 нафардан зиёд ёшлар иштирокида «Соғлом турмуш тарзи — ёшларни уйғун камол топтириш гарови» акцияси, «Кўҳна ва боқий Бухоро» қўлланмаси асосида ёш олимлар ва талабалардан иборат гўдлар ўқув, «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг байроқ фестивали, «Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» халқаро илмий-амалий конференцияси, Етакчилар форуми, турли йўналишларда мастер-класс, семинар-тренинг, «Заковат» интеллектуал телеўйини, шахмат ва футбол мусобақалари, «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» халқаро конференцияси каби тадбирлар ўтказилди.

Қадимий шаҳарга илк мартаба келишимиз, — дейди Андижон давлат университети талабалари Дилдора Ҳақимова ва Наврўза Худойбердиева. — Фестивал давоминда Бухоронинг қадимий обидалари, асрлар оша яшаб келаётган тарихий, қутлуғ зиёратгоҳлари билан ҳам танишдик. Минг бора эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал экан.

Бу сўзлар Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, Мир Араб ва Нодир Девонбеги мадрасаси, Минораи Калон, Масжиди Калон ҳамда қадимий Арк қалъасида бўлган ҳар бир ёшнинг

кўнглидан ўтгани шубҳасиз.

Таъкидлаш жоиз, «Камолот» ЕИХ ўтган йиллар давомида ёшлар билан ишлаш борасида муайян ютуқларга эришди. Бугунги кунда Ҳаракат олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш, замонавий талабалар асосида ривожлантириш бош мақсад бўлиши лозимлиги аён бўлмоқда. Фестивал доирасида «Камолот: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Етакчилар форумининг ўтказилиши кўпгина масалаларга ойдинлик киритиш учун асос бўлди.

Фестивалга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча олий ўқув юртли муассасаларидан биринчи проректорлар жалб қилинди. Бундан кўзланган мақсад бошланғич ташкилотлар етакчилари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топиш борасидаги ҳаракатларни изчиллигини таъминлаш экани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Етакчилар форумида иштирок этар эканман, талабалар билан ишлашда, уларни бир ғоя остида бирлаштиришда камчиликларимиз борлигини англаб етдим, — дейди Ўзбекистон Миллий

университети талабаси Авазбек Жўраев. — Юртимизда ёшларнинг камол топиши учун барча шароит яратиб берилганлигини бугунги фестивал мисолида яна бир бора кузатиш мумкин. Лекин, афсуски, тенгдошларимиз орасида ана шу қулайликларга бефарқ муносабатда бўлаётганлари ҳам учраб туради. Бундай лоқайдликка барҳам бериш учун эса, аввало, «Камолот» етакчиларидан кучли маҳорат ва билим талаб этилади.

Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши жамиятимиз эртасининг янада порлоқ бўлишини таъминлайди, — дейди суҳбатдошимиз, Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Бириражаб Мухамедова. — Вилоятимизда ўтказилаётган фестивал ёшларнинг илмий-ижодий изланишлари, ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб янги марралар сари интилишларида муҳим қадам бўлади.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**  
**Назира БОЙМУРОДОВА,**  
«Ishonch» муҳбирлари,  
**Асқар ЁКУБОВ,**  
**Тоҳир ИСТАТОВ**  
(ЎЗА) олган суратлар



## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ОАТ «Турон банк» Марказий амалиёт бошқармасининг 2010 йил 18 ноябрдаги 10/01-4566-сонли хатига асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙда жойлашган, мева-сабзавот сақлаш базасининг бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 875 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 23 декабр куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Юқоридидаги мулк 2010 йил 23 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2010 йил 24 декабр куни бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон Ф-даги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114. МФО: 01036. ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52.

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказилади очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқарувининг 2010 йил 16 августдаги 49/2-сонли қарорига асосан, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «Мерседес-Бенц-260Е» русумли, давлат рақами 10AW 090 бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 210 000 сўм.

2. «Супер салон» русумли, давлат рақами 10ВЕ 727 бўлган 1996 йилда

ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 278 000 сўм.

3. «Дэу Эсперо» русумли, давлат рақами 10 ВА 538 бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 137 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 23 декабр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Юқоридидаги автотранспорт воситалари 2010 йил 23 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 27 ва 30 декабр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш

учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон Ф-даги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114. МФО: 01036. ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Низомий номидаги Тошкент давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори Нарзулла Муслимовга онаси

**Марғуба МУСЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори Абдулла Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

**МУКАМБАР** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон ёқлиғи-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмасининг Андижон вилоятидаги вакили Соҳибиддин Умурақовга онаси

**ТИЛЛАРА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Учтепа туман 23-мавзе, 11-уй, 16-хонадоннинг (3 хонали уй) уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



**Muassis:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**

**Abduxoliq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**

**Alla DOLJENKOVA,**  
**Anvar YUNUSOV,**  
**Dovud MADIYEV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
**Jahongir SHAROFBOYEV**  
(Mas'ul kotib),  
**Ma'mura ADILOVA,**  
**Normamat AIYAYOROV,**  
**Nosirxon AKBAROV,**  
**Oysuluv NAFASOVA,**  
**Pirimqul QODIROV,**  
**Sog'indi NIVETULLAYEV,**  
**Shamsi ESONBOYEV**

**Bo'limlar:**

**Kasaba uyushmalari hayoti**

256-87-63

**Huquq va xalqaro hayot**

256-03-90

**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat**

256-87-74

**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport**

256-82-79

**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash**

256-85-43

**Reklama va e'lonlar**

256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**

Andijon + 99897 465 05 68;

Buxoro + 99893 653 50 81;

Jizzax + 99872 360 00 10;

Navoiy + 99893 725 46 40;

Samarqand + 99866 933 25 04;

Surxondaryo + 99897 458 05 07;

Farg'ona + 99891 679 32 79;

Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manziligimiz:**

100165,

Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:

mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**

133

**Navbatchi muharrir:**

**A. Toshev**

**Navbatchi:**

**S. Abdurahmonov**

**Musahhih:**

**S. Shodiyeva**

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Sahifalovchi:

**H.Abdujalilov**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikri tahriyot nuqtai nazaridan farg'anchi mumkin.

**h** - Tjorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 21.00

**Buyurtma G — 1051**

**11004 nusxada bosildi**

ISSN 2010-5002

1 2 3